Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№77 (426)
2020 йил 6 октябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# ПОЧТА ТИЗИМИНИ ДАРОМАДЛИ СОҲАГА АЙЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Почта тизимини хат, жўнатма ва товарлар етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш орқали соҳа барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган 2 мингдан зиёд бўлинма, 7 минг нафар ходим бор. Лекин йиллар давомида эътибор берилмагани оқибатида почта хизматининг ўрни пасайиб кетди. Хусусан, сўнгги ўн беш йилда 1 минг 300 та почта бўлинмаси ёпилган. Ўтган йили хориждан келган 6 минг тонна жўнатмаларнинг атиги 10 фоизи, курьерлик хизматларининг 30 фоизи миллий почта ҳиссасига тўғри келган.

Шу боис жойлардаги аҳвол ўрганилиб, Осиё тараққиёт банки экспертлари иштирокида почта тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрланди. Йиғилишда ушбу чора-тадбирлар Сергели, Янгиқўрғон ва Тошкент туманлари почтаси мисолида тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари почта тизимини ривожлантириш учун уни даромад келтирадиган соҳага айлантириш зарурлигини таъкидлади. Хусусий операторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшимча хизматларни тақдим этиш орқали почта бўлимлари даромадини ошириш мумкинлиги айтилди.

Масалан, ҳозирги кунда электрон савдо ривожланмоқда. Интернет орқали сотиб олинган товарни эгасига етказиб беришга доим талаб бор. Қолаверса, юртимизга кириб келган халқаро ташувчи компанияларнинг ҳудудларда филиаллари йўқ. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, почта жўнатмалари ва маҳсулотларни якуний манзилга етказиб беришни йўлга қўйиш яхши самара беради.

– Почта соҳасидаги энг асосий вазифа одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдир, – деди Президент.

Йиғилишда якуний манзилга етказиш тизимини туманларда тажрибадан ўтказиб, келгуси йил 1 мартдан вилоят марказларида, 1 июлдан мамлакат бўйича жорий этиш режаси белгиланди. Бунинг учун жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизимини ишга тушириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, йил якунигача миллий онлайн савдо майдончасини жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Бу тизим орқали тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотини республика бўйича савдога чиқаради, миллий оператор уларни манзилига етказиб беради. Бунда «Ўзбекистон почтаси» харидор ва сотувчи ўртасида кафил бўлади. Шу мақсадда келгуси йили Тошкент шаҳрида логистика марказини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳа даромадини таъминлаш учун яна бир манба – унча мураккаб бўлмаган давлат хизматларини почта бўлимларида ҳам йўлга қўйиш. Шу нуқтаи назардан, «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг олис ҳудудлардаги 300 та бўлинмасида 13 хил давлат хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, дастлаб Сергели, Янгиқўрғон ва Тошкент туманларидаги почта бўлинмаларида нақд пул инкассацияси, пластик карта амалиёти каби банк хизматларини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Сўнгги тўрт йилда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти томонидан матбуот тарқатиш ҳажми 3 баробарга камайиб, унинг жами матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизни ташкил этмоқда.

Мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш учун матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Янги почта хизматларини йўлга қўйиш учун ходимларни қайта тайёрлаш, почта биносини давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлар билан бирга ишлатиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини таваллуд айёми билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва янги муваффақиятлар тилади.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, тарих, маданият ва анъаналар муштараклигига асосланган стратегик шериклик муносабатларининг бугунги даражасини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ мураккаб даврда пандемия оқибатларини енгиб ўтишда ўзаро ёрдам кўрсатилмоқда. Тожикистон томони ушбу хавфли касалликка қарши курашда кўрсатилган амалий ёрдам учун миннатдорлик билдирди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида товар айирбошлаш ҳажмлари ортяпти, ҳудудлар ва тадбиркорлар ўртасида кооперация кенгаймоқда.

Давлат раҳбарлари ўтган ойда бўлиб ўтган қатор икки томонлама тадбирларнинг самарали натижаларини юқори баҳоладилар. Хусусан, Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси ҳамда бизнес-форум, илмий-амалий конференция, парламент аъзолари ва зиёлилар учрашувлари муваффақиятли ўтказилди, қўшма ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий объектлар очилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари икки мамлакат ҳукуматларига кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда бўлажак саммитнинг янги кун тартибини ҳар томонлама пухта тайёрлаш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга топшириқ бердилар.

Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Телефон мулоқоти сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга мамлакат сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбир – жорий йил 11 октябрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**




# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

## Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармаси ўқув-амалий семинар ташкил этди

**Газетамизнинг сентябрь ойидаги сонида Наманганда вилояти Қурилиш бош бошқармаси соҳани янада ривожлантириш мақсадида тизимдаги ташкилотларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, шаҳарсозлик ва бунёдкорлик соҳасида замонавий, илғор усуллар ва технологиялардан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилаётганлиги қайд этилганди. Яқинда юқорида зикр этилган масалалар кун тартибига киритилган яна бир ўқув-амалий семинари ўтказилди.**

Тадбир иштирокчилари бугунги кунда мамлакатимизда, шу жумладан вилоятда қурилиш иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бирига айланди. Айни пайтда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш объектлари қатори кўплаб маданий, маиший, ижтимоий бинолар, турар-жойлар қад кўтармоқда. Қурувчилар зиммасидаги масъулият ҳам янада ортиб, уларни доимий изланишга чорламоқда.

– Вилоятимизда бундай анжуманларнинг мунтазам ташкил этилаётгани сўнгги пайтларда соҳамизни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир, – дейди Қурилиш бош бошқармаси бўлим раҳбари Бекзод Абдуллаев. – Бунинг самараси ўлароқ, жойларда илгари қўл урилмаган янгиликлар жорий этилиб, бутун бошли «ақлли» шаҳарлар, замонавий мавзелар пайдо бўляпти. Улардаги нафақат бинолар, балки маиший қулайликлар ҳам кишини ҳайратга солади. Ўзгача дизайн, инфратузилма, ҳаёт учун зарур шароитлар бир жойда жам бўлган манзилда яшаш ҳар бир инсонга албатта, маъқул тушади.

*(Давоми 2-бетда)*




Реклама

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№77 (426) 2020 йил 6 октябрь

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

## Наманган вилояти Қурилиш бош бошқармаси ўқув-амалий семинар ташкил этди

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Буларнинг барчаси қўли гул, фидойи, жонкуяр қурувчиларимиз меҳнати шарофати. Аммо олдимизда янги, янада улкан вазифалар турибди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар янада чуқурлаштирилиши лозим. Бунинг учун Қурилиш бош бошқармаси тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш юзасидан бошланган ишларни изчил давом эттириш яхши самара бериши табиий. Ҳозиргача бош бошқарманинг барча шаҳар ва туман бўлимлари янги хизмат автомашиналари билан таъминланди. Улар жойлашган биноларда ходимлар ва мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мукаммал таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Қурилиш вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги томонидан ҳудудий бўлимларни замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш масаласи диққат марказда турибди.

автомобили калитини ва замонавий LED мониторини топширди. Шунингдек, шаҳар ва туманлар қурилиш бўлимларига энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари тақдим этилди.

Семинар Уйчида давом эттирилди. Бу ерда туман қурилиш бўлимининг мукаммал таъмирдан чиқарилган биноси тақдимоти ўтказилди. Қисқа муддатда 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, ташкилот ходимлар ва бўлим хизматидан фойдаланадиган мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Семинар қатнашчилари учун қурилиш ва меъморчиликнинг ҳозирги долзарб масалалари юзасидан давра суҳбати ташкил этилди. Унда туман ҳокими Муҳаммадаюбхўжа Аппақов, туман ҳокимининг ўринбосари Мухторжон Бобожонов, айни пайтда Наманган вилоятида фаолият олиб бораётган туркиялик архитекторлар Гурай Каймак ҳамда Меҳмет Оға ва бошқалар мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мамлакатимизда, шунингдек,







Вилоят Қурилиш бош бошқармаси тизимидаги раҳбар ва мутахассислар иштирокида ўтказилган ўқув-амалий семинарида ана шулар ҳақида фикр юритилди.

Тадбир бошида иштирок этган ва сўзга чиққан вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкатжон Абдураззақов соҳа фаолиятини таҳлил қилиб берди. Эришилаётган натижалар қайд этилгани ҳолда мавжуд нуқсон ва камчиликлар ҳам тилга олинди. Айниқса, қурилиш ва лойиҳалаш ишлари сифатини ошириш, қурилиш индустриясининг имкониятларини янада кенгайтириш, биноларнинг меъморий қиёфаси замонавийлиги ва ўзига хослигини таъминлаш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ш. Абдураззақов вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидаҳмад Султановга вилоят ҳокимлигининг совғаси – «Дамас»

дунёнинг турли ўлкаларида қад ростлаётган муҳташам биноларнинг меъморий ечимлари таҳлил этилиб, замонавий архитектурадаги энг муҳим ва қизиқарли йўналишлар муҳокама қилинди.

Ўқув-амалий семинар пировардида Учқўрғон тумани қурилиш бўлимининг мукаммал таъмирдан чиқарилган янги биноси тақдимоти ҳам ташкил этилди. Мазкур бўлим бошлиғи Саидислом Собитхўжаевнинг айтишича, бу ерда қисқа муддатда 100 миллион сўмликдан ортиқ иш бажарилди. Барча хоналар янги мебель, компьютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Бу билан мижозларнинг мурожаатларини қисқа муддатларда, сифатли бажариш учун имкониятлар яратилди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**журналист.**

## Дуоба қишлоғига «Туризм қишлоғи» мақоми берилади

**Зомин тумани «Дуоба» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида зарур инфратузилмаларни барпо этиш, оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ва қўшимча туризм хизматларини йўлга қўйиш ҳамда маҳаллий аҳолини туризм соҳасидаги тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида «Дуоба» қишлоғида «Туризм қишлоғи» ташкил этилади.**

– Зомин тумани ҳудудида Туризм қишлоғини ташкил этишдан мақсад ҳудуднинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, соҳада қўшимча хизматларни жорий қилиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, туристлар оқимини янада кўпайтириш, туристларни ҳудуднинг маданий мерослари ҳамда қадриятлари билан таништириш, сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудда замонавий ва миллий туризм инфратузилмасининг изчил ривожланишини таъминлаш, меҳмонхона ва транспорт хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда мазкур соҳада фаолият юритиш истагида бўлган тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш, ички туризмни фаоллаштиришдан иборат, –деди Жиззах вилояти туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш. Абдимуродов.




Зомин туманидаги «Дуоба» туризм қишлоғи режасига кўра, бу ерда бир қатор дам олиш масканлари, туристлар учун янги намойиш обьектлари, махаллий аҳоли томонидан тайёрланган миллий таомлар марказлари, миллий ҳунармандчилик ва этнотуризм намуналари, энг асосийси, халқ табобати, яъни асаларичилик марказлари жорий қилиниши кўзда тутилган.

Маълумот ўрнида эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли Фармонига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилган фуқаролар йиғинлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларига биринчи навбатда киритилади.

**Ўз мухбиримиз.**

**Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ёқилғи-энергетика комплексини модернизация қилиш, технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш талаблари қўйилган.**

# АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ – соҳа шаффофлиги учун энг мақбул йўл



Ўз навбатида, мазкур фармон тизимдаги жиддий камчилик ва муаммолар, энергия ресурслари бўйича дебитор қарздорликни кескин камайтиришга ва электр энергетика ҳамда газ тармоқларини янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 июлдаги қароридаги аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар айни даврнинг талаби ва эҳтиёжидир.

ЎзА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВАга Энергетика вазирлиги тизимидаги «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир ОБИДЖОНОВ соҳани ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва янгиликлар ҳақида сўзлаб берди.

– Президентимиз раислигида 14 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш масалалари таҳлил қилингани бежиз эмас, – деди Ж. Обиджонов. – Негаки, бугунги давр ушбу соҳалар ишини ҳар томонлама кўриб чиқиш ва уни замонавий талаблар асосида ташкил этишни талаб этмоқда. Бу каби талабларга мувофиқ, айни вақтга қадар жойларда қарийб 4 миллион дона электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос ҳисоблагичлари ўрнатилиб, шулардан 2 миллиондан ортиғи жорий этилаётган автоматлаштирилган тизимга уланди. Акциядорлик жамиятимиз томонидан жорий йил якунигача яна 3,5 миллион дона электр ҳисоблагич ўрнатилиб, 2021 йил 1 мартга қадар автоматлаштирилган тизимни тўлиқ ишга тушириш кўзда тутилган.

Амалдаги электр ҳисоблагичларни янгисига алмаштиришда аҳолидан ҳеч қандай ортиқча харажат талаб қилинмайди. Ҳисоблагичларни олиб бориб, ўрнатиб бериш ишлари «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ходимлари томонидан бепул амалга оширилади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 522 миллион АҚШ долларга тенгдир. Лойиҳанинг илк босқичи Осиё Тараққиёт банки томонидан молиялаштирилиб, унга 150 миллион АҚШ доллар маблағ ажратилган. Лойиҳа Корея Республикасининг «KT Corporation» компанияси билан ҳамкорликда Жиззах, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида амалга оширилмоқда.

Республика бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этиш учун йил якунига қадар республика бўйича 7 миллион 418 мингта электр ҳисоблагич ўрнатилиши режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 3 миллион 992 мингта ҳисоблагичлар ўрнатилди. Ўз навбатида, ҳисоблагичларни ўрнатиш билан параллель тарзда уларни автоматлаштирилган тизимга улаш ишлари ҳам олиб борилаётир.

Электр энергетика соҳасида ҳисоб-китобнинг йўқлиги дебитор қарздорликнинг йилдан-йилга ўсиб бориши тизимни тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд электр ҳисоблагичларни автоматлашган турдагиларига алмаштириш заруратини юзага келтирди. Амалдаги электр ҳисоблагичлар электрон бўлса-да, аввалги айланадиган дискли ҳисоблагичлардан фақат электрон кўриниши билангина фарқ қилади. Уларнинг ҳар иккаласи орқали ҳам, афсуски, маълумотларни масофадан олиш ва бошқаришнинг имкони йўқ. Ҳисоблагичларни ҳар сафар кўрикдан ўтказиш, ундан кўрсаткичларни ёзиб олиш ва ҳисоб-китоб учун дастурга киритишга ҳар бир истеъмолчига ҳудудий электр тармоқларидан ходим бориши талаб этилади. Бизда истеъмолчилар 7 миллион 400 мингдан ортиқ ҳисоблагичлари бўлгани сабабли ҳар ойда уларнинг ҳаммасини маълумотини тўплаш осон эмас. Мунтазам равишда ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд этиш мақсадида жойларга чиқиш учун 8 минг нафар ишчи олинган.

Шунингдек, қарздорлиги мавжуд бўлганларнинг хонадонига ходимларимиз бориб, истеъмолчини электр тармоғидан узиш ва қарздорлик тўланганидан сўнг, қайта тармоққа улаш учун ҳам маълум вақт ҳамда ортиқча маблағ сарфланар эди. Энг ачинарлиси, узатилган электр ҳисобини юритиш, истеъмолчилар кесимида балансини чиқариш учун кўп вақт талаб этилиши ҳисобига маълумотлар корхонанинг молиявий ҳисоботларига кеч киритилар, натижада жамиятнинг молиявий ҳисоботлари 6 ойгача кечикар эди. Ана шу камчиликларнинг олдини олиш ҳамда аҳолига узлуксиз ва сифатли электр энергиясини етказиб беришни таъминлаш мақсадида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига ўтилмоқда.

Одатда, электр энергиясидан фойдаланилади, лекин унинг тўловларига келганда, ишни пайсалга солиш кузатилади. Узатилган электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабаб тизимда қатор муаммолар юзага кела бошлайди. Бугунги кунда республика бўйича электр энергиядан истеъмолчиларнинг 3,4 триллион сўм қарздорлиги мавжуд бўлиб, қарздорликнинг 2,4 триллиони аҳоли истеъмолчиларига тўғри келади. Қарздорлик бўйича энг катта кўрсаткичлар Самарқанд, Фарғона ва Наманган вилоятлари истеъмолчилари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳудудларда жорий этилаётган янги тизим мазкур муаммоларнинг аниқ ечими бўла олади. Хусусан, янги ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши ва электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштирилган тизимига ўтказилиши натижасида 7 та туман ва шаҳарда электр энергияси учун тўловларнинг ундирилиши 40 фоизга ошиб, мавжуд дебитор қарздорлик 20 фоизга қисқарди.

Ҳисоблагичнинг кўрсаткичини ўзгартириш мақсадида ташқи таъсир ўтказиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни энди «ақлли» тизимдан яширишнинг имкони бўлмайди. Бунинг боиси, ҳисоблагич ҳар қандай ташқи таъсирни ўз хотирасига ёзиб олади ва бу маълумотларни қайта ишлаш марказларига юборади.

Президентимиз таъкидлаганидек, электр энергия ва табиий газни етказиб беришда автоматлаштирилган тизимга ўтказиш замон талаби бўлиб, бу ишларни уюшқоқлик билан бажаришда биргина соҳа ходимлари эмас, балки ҳокимлар, тармоқ раҳбарлари ва маҳалла фаоллари ҳам масъулдир. Зеро, таъминотчилар ва истеъмолчилар ўртасида ҳар қандай муаммоларни бартараф этиб, ишни шаффоф ташкил этишда ушбу янги тизим энг мақбул йўл ҳисобланади.

**Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида электр энергия тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарори асосида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ўрнида «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖлари ташкил этилиб, уларнинг вазифалари, мазмун-моҳияти ҳамда бажариладиган ишлар кўлами белгилаб берилган эди.**

## Таъмирлашга эътибор катта

Унга мувофиқ ташкилотлар айни пайтда аҳолини ва юридик шахсларни мунтазам электр энергияси билан таъминлаш борасида мувофиқлаштирилган тарзда фаолият юритиб, ижобий натижаларга эришаётир. Бундан кўзланган мақсад ҳам аслида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотишни ташкиллаштиришнинг замонавий услубларини қўллашга қаратилгандир.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ «Самарқанд магистрал электр тармоқлари» филиалининг бу жиҳатдан олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Жамият ўз тасарруфидаги нимстанцияларда электр ускуналарини модернизация қилиш, уларни янгисига алмаштириш, газ ускуналарини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Самарқанд, Чўпонота, Сувли, Каттақўрғон нимстанцияларига тегишли тармоқларда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказиляпти.

– Корхонамиз ҳисобида узунлиги 818,946 километр бўлган 3 та 500 кВ, 11 та 220 кВ, 3 та 110 кВ, 2 та 35 кВ, 2 та 10 кВ ҳаво линиялари мавжуд, – дейди ташкилот директори Файзулло Қурбонов. – Улар еттита тармоқдаги 2647,45 МВА қувватни ўтказиб бериш имкониятига эга бўлиб, бир маромда ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Қарийб 400 нафар ишчи-хизматчи ва малакали мутахассис ўз зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндошилаётгани ютуқлар омили бўляпти. Муҳими, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси подстанциялар ва ҳаво линияларининг техник ҳолати, самарали фаолият юритишга оид ишларимизга доимо юқори баҳо бераётир.

Айни пайтда куз-қиш мавсумига тайёргарликни якунлаш ишлари жадал суръатда олиб борилаяпти. Авария содир бўлиши эҳтимоли мавжуд ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 8 та бригада тузилди. Улар автотранспорт, алоқа жиҳози ва ҳимоя воситалари билан таъминланган.

## Қуёшдан электр энергия олинади

**Ўзбекистон географик шароити, иқлими, нури ва қувватидан табиий электр ҳамда иссиқлик энергияси олиш имконияти катта ютуқ ҳисобланади.**

Бундан унумли фойдаланиб, арзон, экологик тоза энергияга эга бўлиш эса ҳаётий заруратдир. Ҳукуматимиз томонидан бу йўналишда истиқболли ва мукаммал лойиҳалар тайёрланиб, уларни амалга ошириш чоралари белгиланмоқда.

Ана шундай эзгу ниятлардан бири рўёбга чиқиш арафасида. Франциянинг электр энергия ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик компанияси – «Total eren» билан ҳамкорликда республикамизда 100 МВт қувватга эга фотоэлектр қуёш энергияси ишлаб чиқариш станциясини бунёд этишга келишилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан аҳдлашувга асосан Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ушбу лойиҳага бош-қош бўлмоқда. Айни пайтда Самарқанд вилоятидаги Нуробод туманининг Сахобота массивидан компаниянинг ишончли вакили – «Tutly Solar» МЧЖга 344 гектар ер майдони ажратилиб, қурилиш-монтаж ишларига тайёргарлик бошлаб юборилди.

– Қуёш туганмас энергия манбаи эканлигини яхши биламиз, – дейди «Самарқанд магистрал электр тармоқлари» корхонаси раҳбари Файзулло Қурбонов. – Аммо уни инсон измига «бўйсундириш» осон иш эмас. Бунинг учун катта меҳнат ва изланиш зарур. Қолаверса, маблағ масаласи ҳам бўлиши керак. Хорижлик инвестор ва ҳамкасблар олдида турган вазифанинг нақадар масъулиятлилигини шундан ҳам билиш мумкин. Шу боисдан уларга яқиндан ёрдам беришга интиляпмиз. Жумладан, 4 километр масофага 220 кВли «кириш-чиқиш» ҳаво электр линиясини тортишга кўмаклашилаётир, йўллар ҳамда қурилиш майдони текисланиб, қулай шароит яратиляпти.

Айтиш жоизки, 2022 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган объектдаги қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган норма ва қоидалар асосида олиб борилади ва у ишга туширилгач, юздан зиёд аҳоли бандлиги таъминланади. Қолаверса, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу корхона мамлакат иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшиши, аҳоли турмуш шароитини яхшилаши ва коммунал соҳадаги бир қанча муаммоларга ечим топишда муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Қурилишда инсон соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш

**Қурилиш саноати жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланаётган соҳаларидан биридир. Тармоқнинг иқтисодиётдаги ялпи улуши тобора ўсиб бориши натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда бино ва иншоотлар қуриш ҳажмининг юқорилиги аҳамиятлидир.**



Дунё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 13 фоизи айнан ушбу тармоққа тегишли экани эса, қурилиш инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 4,8 трлн АҚШ долларига етган бўлса, етти йилдан кейин 7,2 трлн АҚШ долларини ташкил этиб, жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 15 фоизга етиши кутилмоқда. Сўнгги 20 йилда жаҳонда аҳоли сонининг ўсиши натижасида саноат тармоқларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корхоналардаги айрим салбий оқибатларнинг асосий сабаблари ишчи-ходимларнинг корпоратив ижтимоий жавобгарлик, деган янги иборанинг тармоқларга кириб келиши XXI асрнинг барқарор иқтисодий ўсиш мезонини белгилаб берди. Бу эса, иш жойларда ижтимоий-иқтисодий самарадорликни оширишга тўсқинлик қиладиган масъулиятсизлик, эътиборсизлик, тартиб-қоидалар ва буйруқларга бўйсунмаслик, ишни режасиз ташкил этиш, сифатсиз бошқарув ҳамда назорат сабабли ишчиларнинг жиддий зарар кўраётгани, ҳатто ўлим даражаси ортиб боришининг асосий мезонларига айланди. Шу нуқтаи назардан қурилиш тармоқларида ИССХТнинг илмий асосларини ўрганишда илғор хорижий тажрибалар ва халқаро ҳамкорлик ёндашувларига эътибор қаратсак.

Жаҳон қурилиш саноатида ИССХТ борасида илк халқаро интеграциялашув меҳнат фаолиятида инсон ҳаёти ва хавфсизлигининг олий ўрнини таъминлаш мақсади илгари сурилди. Бу эса, ХМТнинг 1991 йил 11 январда кучга кирган «Қурилишда соғлиқ ва хавфсизлик» 167-сонли конвенциясининг жорий этилишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда мазкур конвенцияни 32 мамлакат ратификация қилгани боис, қурилиш саноатида юқори ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришиб келмоқда.

| № | Мамлакатлар | Ратификация санаси | Underwriters Laboratories индекси | Номинал ЯИМ (млрд АҚШ доллари) | Аҳоли жон бошига ЯИМ (млрд АҚШ доллари) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Албания | 24.04.2014 | 67 | 15,418 | 5,372 |
| 2. | Жазоир | 6.06.2006 | 60 | 172,781 | 3,980 |
| 3. | Беларусь | 21.11.2001 | 61 | 62,572 | 6,603 |
| 4. | Бельгия | 8 .06.2016 | 88 | 517,609 | 45,175 |
| 5 | Боливия | 10.02.2015 | 52 | 42,401 | 3,670 |
| 6. | Бразилия | 19.05.2006 | 76 | 1 847,020 | 8,796 |
| 7. | Хитой | 7.03.2002 | 72 | 14 140,163 | 10,098 |
| 8. | Колумбия | 06.09.1994 | 73 | 327,895 | 6,508 |
| 9. | Чехия Республикаси | 1.01.1993 | 83 | 246,953 | 23,213 |
| 10. | Дания | 10.07.1995 | 92 | 347,176 | 59,795 |
| 11. | Доминик Республикаси | 4.06.1998 | 59 | 89,475 | 8,629 |
| 12. | Финляндия | 23.01.1997 | 90 | 269,654 | 48,868 |
| 13. | Габон | 28.07.2015 | 56 | 16,877 | 8,112 |
| 14. | Германия | 18.11.1993 | 90 | 3 863,344 | 46,563 |
| 15. | Гватемала | 7.10.1991 | 48 | 81,318 | 4,616 |
| 16. | Гвинея | 25.04.2017 | 33 | 23,587 | 2,742 |
| 17. | Венгрия | 22.05.1989 | 81 | 170,407 | 17,463 |
| 18. | Ироқ | 17.09.1990 | 54 | 224,462 | 5,738 |
| 19. | Италия | 12.02.2003 | 84 | 1 988,636 | 32,946 |
| 20. | Қозоғистон | 18.06.2008 | 67 | 170,326 | 9,139 |
| 21. | Лесото | 27.01.1998 | 44 | 2,741 | 1,338 |
| 22. | Люксембург | 8.04.2008 | 92 | 69,453 | 113,196 |
| 23. | Мексика | 5.10.1990 | 64 | 1 274,175 | 10,118 |
| 24. | Черногория | 18. 09. 2015 | 73 | 5,424 | 8,703 |
| 25. | Норвегия | 24.06.1991 | 94 | 417,627 | 77,975 |
| 26. | Панама | 31.01.2008 | 68 | 68,536 | 16,245 |
| 27. | Россия Федерацияси | 29.10.2018 | 68 | 1 637,892 | 11,162 |
| 28 | Сербия | 16.09.2009 | 73 | 51,523 | 7,397 |
| 29. | Словакия | 1.01.1993 | 83 | 106,552 | 19,547 |
| 30. | Швеция | 7.10.1991 | 93 | 528,929 | 51,241 |
| 31. | Туркия | 23.03.2015 | 78 | 743,708 | 8,957 |
| 32. | Уругвай | 25.05.2005 | 77 | 59,918 | 17,029 |

**Мамлакатларнинг ЯИМга нисбатан бахтсиз ҳодисалар учун ажратилган пул маблағлари (2019 йил)**

| Мамлакатлар | Номинал ЯИМ (млрд АҚШ доллари) | ЯИМга нисбатан бахтсиз ҳодисалар сабабли зарар (фоизда) | ЯИМга нисбатан бахтсиз ҳодисалар сабабли зарар (АҚШ долларида) |
|---|---|---|---|
| АҚШ | 21 439,12 | 3,25 | 696 771,40 |
| Европа Иттифоқи | 18 705,15 | 3,26 | 609 787,89 |
| Жанубий- Шарқий Осиё | 2 815,05 | 4,40 | 123 862,20 |
| АСЕАН | 3 225,07 | 4,12 | 132 872,88 |
| Корея | 1 612,41 | 3,58 | 57 724,27 |
| Германия | 3 863,34 | 3,33 | 128 649,22 |
| Бирлашган Қироллик | 2 743,59 | 2,90 | 116 872,38 |
| Нидерландия | 902,36 | 3,12 | 28 153,32 |
| Финландия | 269,65 | 3,34 | 18 409,62 |
| Сингапур | 363,14 | 3,46 | 18 934,37 |
| Япония | 5 154.48 | 2,65 | 141 611,32 |
| Австралия | 1 376,26 | 3,00 | 41 287,8 |
| Янги Зеландия | 203,127 | 3,19 | 6 479,1 |

Иловада мамлакатларнинг тўрт энг асосий кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда қурилиш саноатининг бугунги кун натижалари ифодаланган. Масалан, Беларусь Республикаси ЯИМ 2019 йилда 62 млрд АҚШ долларини ва аҳоли жон бошига 6600 АҚШ долларини, АҚШнинг Underwriters Laboratories глобал хавфсизлик индексида 61-рейтинг кўрсаткични қайд этиб, ХМТнинг 167-сонли конвенциясини 2001 йилда ратификация қилган маълумотлар умумлаштирилган. Мазкур жадвал орқали мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти билан ИССХТ ўртасидаги боғлиқликларни кўришимиз мумкин.

Мамлакатларда қурилиш саноатининг катталиги инсонлар ҳаётини ҳам шу даражада хавф остида қолдираётгани, шунингдек, иқтисодий йўқотишлар эса мутаносиб тенденцияга эга экани қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

Эулер Гермес халқаро агентлигининг тадқиқотларига кўра, 2014-2018 йилларда қурилиш фаолиятида бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш хавфи кескин ортишидан Хитой, Россия, Бразилия, Туркия ва араб мамлакатлари азият чеккан.

Эътиборлиси шундаки, ушбу мамлакатларда юксак даражада қурилиш саноатининг ривожланиши ҳамда муҳожирларнинг меҳнатга юқори ҳақ тўланиши ёки қулайроқ меҳнат шароитларида ишлаш хоҳиши натижасида содир бўлмоқда. Натижада уларнинг маҳаллий стандартлар асосида меҳнат муносабатларига таянган ҳолда ишлашлари оқибатида турли профессионал касалликларга чалиниши ва жиддий бахтсиз ҳодисаларга учраётганини инкор этиб бўлмайди.

**Азиз ЗИКРИЁЕВ,**
**Тошкент Архитектура-қурилиш институти PhD докторанти.**

# «Қишлоқ қурилиш банк»: ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан «Банк карталарига асосланган янги банк хизматлари» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида банк масъуллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**






Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида бажарилган ишлар, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, соҳадаги муҳим янгиликлар ва бу борада истиқболдаги режалар хусусида маълумотлар берилди.

– Бугунги кунда банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга ошириш мақсадида 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – деди банк Матбуот хизмати етакчи мутахассиси Алишер Равшанов. – Бу борада айниқса, мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштиришга қаратилган ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилиб, натижада тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳити мижозларга сифатли хизмат тизимини жорий этиш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» тизимидаги мавжуд 42 та филиал, 33 та минибанк, 11 та банк хизматлари кўрсатиш марказлари, 201 та шохобчалар орқали аҳолига замон талабларига мос банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Информацион технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Марказий банк томонидан 2018 йил 30 майда тасдиқланган «Контактсиз тўловлар, шу жумладан, халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ҳамда бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси»да бир нечта тўлов тизимларида ишловчи кобэйжинг тўлов карталарини муомалага киритиш вазифаси белгиланган. Бу борада кўрилган чоралар натижасида Uzcard ва UnionPay тўлов тизимларини ўзида мужассамлаштирган Кобейжинг карточкалари ҳамда VISA Classic ва VISA Gold халқаро тўлов карталари муомалага чиқарилди.

– VISA Classic халқаро тўлов карталари орқали дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида VISA логотипи мавжуд бўлган муассасаларда тўловларни амалга ошириш мумкин, – деди Банк карталари бизнесини ривожлантириш департаменти бошлиғи Жавоҳир Алимов. – Ҳозирда банк томонидан эмиссия қилинаётган VISA Classic карталарини интернет орқали фирибгарликдан ҳимоялаш мақсадида 3D-Secure хизматлари жорий қилинган. Хорижий давлатларда даволаниш, таълим олиш, меҳмонхонани брон қилиш ва у ердаги хизматлар учун тўловни амалга ошириш, турли савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан чегирмаларга эга бўлиш, зарур ҳолларда тиббий ва юридик ёрдам олиш, чакана савдо ва интернет дўконларда маҳсулотлар харид қилиш, хизматларга ҳақ тўлаш, шунингдек, овқатланиш учун ҳақ тўлаш ҳамда банкоматлар орқали нақд пул олиш имконияти яратилган.

Тадбирда яна бир муҳим янгиликка эътибор қаратилди. Жорий йилда юртимиз банклари орасида илк бор АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Uzcard тўлов тизими билан биргаликда Cash-in/Cash-out функциясига эга банкоматларда автоматлаштирилган шаклда валюта сотиб олиш хизматини йўлга қўйди. Ўз навбатида, айирбошланган хорижий валютани банкомат орқали тўғридан-тўғри банк картасига кирим қилиш имконияти ҳам яратилди. QQB Mobile иловаси орқали дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакатидан юборилган пулларни миллий ва хорижий валютада қабул қилиш, энг асосийси, келиб тушган пулни тўғридан-тўғри банк пластик картасига кирим қилиш имконияти яратилди.

Тадбирда ОАВ ходимлари томонидан берилган саволларга жавоб тариқасида маълумотлар берилди.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**«Respublika mulk markazi» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Qizil suv sport sog'lomlashtirish maskani» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Қизил сув» МФЙ ҳудуди Қизил сув қишлоғи манзилида сақланаётган «IVECO» русумли, давлат рақами 10 651 DBA 2012 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 211 755 822 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 6 ноябр куни, соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 4 ноябрь куни, соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 6 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2020 йилнинг 23 ноябрь, 30 ноябрь, 7 декабрь, 14 декабрь кунлари, соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин, соат 18.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## Ташкентский Государственный педагогический университет им. Низами

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕР

**по объекту:** Капитальный ремонт учебного здания Ташкентского Государственного педагогического университета им. Низами, расположенного по адресу: ул. Бунёдкор, 23 «а» Чиланзарского района города Ташкента.

**Предельная стоимость заказчика составляет:** 6 535 148 883 сум с учетом НДС.

**Срок окончания работ:** 5 месяцев.

**Заказчик:** Ташкентский Государственный педагогический университет им. Низами.

**Источник финансрования:** за счет внебюджетных средств заказчика.

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков:** при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

**Для участия в торгах необходимо обратиться с запросом к организатору торга – Консалтинговый центр по органзации конкурсных торгов в строительстве по г. Ташкенту, по адресу:** г. Ташкент, ул. Абая, 6, комн. 703.

**Тел.:** (71) 244 12 17.

**E-mail:** tender_tash@bk.ru.

Комплект тендерной документации можно скачать на специальном информационном портале www.xarid.uz. Тендерные предложения принимаются организатором тендера до указанного времени на специальном информационном портале www.xarid.uz.

**Вскрытие предложений состоится по адресу:** г. Ташкент, ул. Бунёдкор, 27, через 30 дней после опубликования тендера на специальном информационном портале www.xarid.uz.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК

**томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича**

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймати (сўм ҚҚС билан) | Қурилишни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Асака кўчаси (Мустақиллик ва А. Қодирий кўчасидан кичик ҳалқа йўлигача бўлган оралиқ)ни жорий таъмирлаш | 907 616 119 | 30 кун |

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси «Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК

**Манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 68-«а» уй.

**Молиялаштириш манбаи:** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26; 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта) очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-«а» уй.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича**

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объект номи | Бошланғич қиймати (сўм ҚҚС билан) | Қурилишни тугаллаш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент вилояти Тошкент туманида 220 ўринли вилоят силга қарши курашиш диспансери қурилиши (*даволаш корпуслари, лаборатория, дорихона, диспансер бўлими, ошхона, атроф тўсиқлари реконструкцияси ва ҳудудни ободонлаштириш*) (2-босқич) | 5 271 543 688 | 100 кун |

**Буюртмачи:** Тошкент вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

**Молиялаштириш манбаи:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳар А. Навоий, кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** toshkonsaltingtorg@bk.ru

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта) очилиши https://dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

Қурилиш соҳасидаги тендер эълонларини
мунтазам кузатиб боришни истасангиз
«O'zbekiston bunyodkori» газетасига обуна бўлинг!
Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz
Обуна индекси 466

## СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) и строительство сетей канализации**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004**

**№ конкурсных торгов 2020-04**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на поставку, установку и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) и строительство сетей канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС ёмкостью 25 м³ и строительства 434 п.м. сетей канализации в сельской местности Сырдарьинской области (***срок строительства составляет*** *– 3 месяца*).

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Сырдарьинская область |
|---|
| **Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.<br>**Телефон:** (67) 227-64-84.<br>**Факс:** (67) 227-64-42. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:**

| Сырдарьинская область |
|---|
| **Банк:** Сырдарьинский филиал Национальный банк ВЭД<br>**Р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001<br>**ИНН:** 202 585 476 |

